



15.05.2018



“ИНСОН ва қонун” газетасининг 2018 йил 23 январь сониди “Нотариус сансалорликка йўл қўйди... оқибатда ишдан олинди!” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақолада нотариус хушмуомала, хушфеъл бўлиши ҳақида фикр юритилган.

— Ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Айнан биз фаолият юритаётган нотариуслик касби қатъий тартиб-қоида талаб қилади. Энг муҳими, нотариал ҳаракатларга оид қонунчилик назариясини мукамал билишимиз лозим. Шунингдек, ўз вазифаларимизни қонун доирасида олиб боришимиз керак. Бу соҳа вакиллари фуқаролар билан муомала қилишда ёлғон гапириши, уларни алдаши, қўполлик қилиши асло мумкин эмас. Бошқача айтганда, нотариус қонун устуворлигини тарғиб қиладиган фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган шахсдир. Бу вазифа эса ўта мураккаб ва масъулиятли, — дейди Каттақўрғон шаҳри 3-сонли нотариал идораси нотариуси Жамшид Холиқов.

— Тан олиб айтиш керак, кўп фуқароларимиз қонунларнинг мазмун-моҳиятини яхши тушунишмайди. Шу туфайли ҳам турли хил саволлар билан бизга мурожаат қилишади. Ана шундай ҳолатда яхши муомала билан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириб маслаҳат беришимиз керак. Нотариал идорамиздан алоҳида хона ажратиб, ҳуқуқий маслаҳатхона ташкил этдик. Қабулга келган фуқароларнинг саволларига қонуний жавоб бериб, маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатаёلمиз. Ҳаттоки қария ва ногиронларни навбатсиз қабул қилаёلمиз. Бундан ташқари, ҳафтанинг жума ва якшанба кунлари Каттақўрғон шаҳридаги 36 та маҳаллага чиқиб, уларнинг хонадонларида бўлиб, нотариус ҳужжатларини жойида қонуний расмийлаштириб бераёلمиз. Масалан, А.Навоий маҳалласида истиқомат қилувчи Аҳмаджон Одилов ногиронлик нафақасини олиш учун ўғлига ишончнома расмийлаштириш масаласи билан мурожаат қилган эди. Нафақадаги ўқитувчини овора қилмай ўзи яшайдиган маҳалланинг ўзида расмийлаштириб, масаласини жойида ҳал этдик. Шунингдек, Сўфи Оллоёр

маҳалласида яшовчи Ойдинисо Расулова ўғлига ўзининг номидаги енгил автомашинасини ҳадя қилиш тўғрисида мурожаат қилди. Онахоннинг ҳам мурожаатини жойига бориб ҳал қилдик.

**Азим ҚОДИРОВ,**

**“Инсон ва қонун” мухбири**

81 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

### **Сўнгги янгиликлар:**

- [Папараццилар кимлар?](#) [3]
- [Солиқчи болалар](#) [4]
- [Мамлакатимиз тараққиёт ва ислохотлар босқичида](#) [5]
- [ҲАМ АДВОКАТ ҲАМ МАСАЛЧИ](#) [6]
- [ЁПИҚЛИК ҚОЗОН ЁПИҚЛИГИЧА ҚОЛМАДИ](#) [7]
- [Бахт нимада?](#) [8]
- [Олий жазога муносиб эди...](#) [9]
- [АҚШдаги янги солиқ ислохотлари ҳақида нималар маълум?](#) [10]
- [Оқибат пулга сотиладими?](#) [11]
- [МИННАТДОРМАН!](#) [12]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/3606>

### **Ссылки**

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/3606>  
[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3606>  
[3] <http://insonvaqonun.uz/node/3631>  
[4] <http://insonvaqonun.uz/node/3630>  
[5] <http://insonvaqonun.uz/node/3629>  
[6] <http://insonvaqonun.uz/node/3627>  
[7] <http://insonvaqonun.uz/node/3626>  
[8] <http://insonvaqonun.uz/node/3625>  
[9] <http://insonvaqonun.uz/node/3622>  
[10] <http://insonvaqonun.uz/node/3617>  
[11] <http://insonvaqonun.uz/node/3613>  
[12] <http://insonvaqonun.uz/node/3604>